

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ЖУРНАЛИСТИКА ВА КОММУНИКАЦИЯ
ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДАГИ ИЛҒОР
ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР”**

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент 2016

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи:

**ЎзМУ, ф.ф.н. доцент
Г.У.Нишонова**

Тақризчи:

**Сеул Вонтай (Жанубий Корея)
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети профессори**

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	3
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	9
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	15
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	41
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	55
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ	58
VII. ГЛОССАРИЙ	59
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	63

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Мазкур дастур ривожланган хорижий давлатларнинг олий таълим соҳасида эришган ютуқлари ҳамда орттирган тажрибалари асосида “Журналистика ва коммуникация” қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши учун тайёрланган намунавий ўқув режа ҳамда дастур мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. “Журналистика ва коммуникация фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибалар” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларнинг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малака ва кўникмаларни ривожлантириш назарда тутилади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

"Журналистика ва коммуникация фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибалар" модулининг мақсади:

журналистика ва коммуникация соҳасида фаолият олиб борувчи педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси тингловчиларини ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар, замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: модуллик-кредит тизими, case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, эвристик методларни ўзлаштириш, жорий этиш, таълим амалиётида қўллаш ва яратиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

"Журналистика ва коммуникация фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибалар" модулининг вазифалари:

- журналистика ва коммуникация йўналишида ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўзига хослиги ва қўлланишини аниқлаштириш;
- тингловчиларда модулли-кредит тизими, case study (кейс стади) лардан самарали фойдаланиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш;
- журналистика ва коммуникация йўналишида тингловчиларда замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий таълим технологияларини лойиҳалаш ва режалаштиришга доир лаёқатларини ривожлантириш.

Модул буйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

"Журналистика ва коммуникация фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибалар" курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- ривожланган Европа, Осиё мамлакатлари ва АҚШда ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор тажрибалар;
- замонавий ёндашувлар, замонавий таълим ва инновацион технологиялар;
- ўқув жараёнининг норматив-ҳуқуқий асослари, жумладан, таълим стандартлари, ўқув режа, фан дастури ва локал ҳужжатлар бўйича илғор хорижий тажрибалар ва уларнинг қиёсий таҳлили;
- таълим хизматларини кўрсатиш бўйича дунё бозори ва хорижий тажрибалар;
- журналистика ва коммуникация фанини ривожланишига сўнгги 10 йилда ҳисса қўшган соҳанинг етук олимлари ва улар томонидан яратилган илмий назариялар, илмий мактаблар, соҳа бўйича нашр этилган сўнгги ўқув ва илмий адабиётлар таҳлили;
- журналистика ва коммуникация фанининг жорий ҳолати ва истиқболдаги вазифалари хусусида **билимларга эга бўлиши;**

Тингловчи:

- журналистика ва коммуникация соҳасидаги энг янги ютуқларни ўқув жараёнига татбиқ этиш;
- олинган билимлар асосида мутахассислик фанларидан модул блокларини тайёрлаш;
- модулли ва кейс-стади таълим технологияларига асосланган ўқув машгулотларини лойиҳалаш ва режалаштириш;

- модулли ва кейс-стади таълим технологияларига асосланган ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;

- таълим хизматларини кўрсатиш бўйича дунё бозори ва хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш;

- журналистика ва коммуникация фанини ривожланишига сўнгги 10 йилда ҳисса қўшган соҳанинг етук олимлари ва улар томонидан яратилган илмий назариялар, илмий мактаблар, соҳа бўйича нашр этилган сўнгги ўқув ва илмий адабиётларни таҳлил қилиш **кўникмаларини эгаллаши;**

Тингловчи:

- замонавий ва инновацион таълим технологиялари асосида ўқув жараёнини "жонли", ижодий ташкил этиш;

- инновацион фаолиятни ташкил этиш;

- инновацион тафаккур юритиш орқали таълим жараёнида ижодий муҳитни яратиш;

- журналистика ва коммуникация соҳаси билан билан боғлиқ ҳолда инновацион таълим технологияларини реал амалиёт билан уйғунлаштиришга эришиш;

- замонавий ва инновацион таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш **малакаларини эгаллаши;**

Тингловчи:

- журналистика ва коммуникация соҳасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўқув жараёнида татбиқ этиш;

- замонавий ва инновацион таълим муҳитини бошқариш;

- замонавий ва инновацион таълим технологияларига асосланган ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш;

- ўқув жараёни давомида талабаларни изланишли-ижодий фаолиятга жалб этиш **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

"Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар" модулини ўқитиш жараёнида қуйидаги инновацион таълим шакллари ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- замонавий ахборот технологиялари ёрдамида интерфаол маърузаларни ташкил этиш;

- виртуал амалий машғулотлар жараёнида кейс, лойиҳа ва ассисмент технологияларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Журналистика ва коммуникация фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибалар” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги "Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат" ўқув модулининг "Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик" субмодули ҳамда "Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш" ўқув модули билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар замонавий ва инновацион хорижий таълим технологияларини ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда қўллашга доир проектив, креатив ва технологик касбий компетентликка эга бўладилар.

Модуль бўйича соатлар тақсимоти

№	Модуль мавзулари	Тингловчининг ўқув юклараси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юклараси				Мустақил таълим
			жумладан				
			Жами	Назарий машғулот	Амалий машғулот	Қўчма машғулот	
1.	Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишда хорижий тажриба	4	4	2	2		
2.	Журналистика ва коммуникация фанининг энг янги ютуқ ва натижалари	6	4	2	2		2
3.	Журналистика ва коммуникация фанининг жорий ҳолати ва истиқболдаги вазифалари	4	4	2	2		
Жами		14	12	6	6		2

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишда хорижий тажриба.

1. Ривожланган Европа давлатлари (Германия, Буюк Британия), Осиё мамлакатлари (Япония, Жанубий Корея) ва Америка Қўшма Штатлари каби давлатларнинг ўқув, ўқув-услугий, илмий-тадқиқот жараёнларини ташкил этиш ва амалда қўллаш.

2. Ўқув жараёнининг норматив-ҳуқуқий асослари (таълим стандартлари, ўқув режа, фан дастури ва локал ҳужжатлар) бўйича хорижий тажрибалар ва уларнинг қиёсий таҳлили.

2-мавзу: Журналистика ва коммуникация фанининг энг янги ютуқ ва натижалари.

1. Таълим хизматларини кўрсатиш бўйича дунё бозори ва хорижий тажрибалар.

2. Журналистика ва коммуникация фанини ривожланишига сўнгги 10 йилда ҳисса қўшган соҳанинг етуқ олимлари ва улар томонидан яратилган илмий назариялар.

3-мавзу: Журналистика ва коммуникация фанининг жорий ҳолати ва истиқболдаги вазифалари.

1. Ҳозирги замон журналистика ва оммавий коммуникация жараёнларининг мазмуни.

2. ОАВ ва оммавий коммуникациянинг истиқболлари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот:

Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишда хорижий тажриба.

1. Германия, Буюк Британия), Япония, Жанубий Корея, АҚШда журналистика ва коммуникацияга соҳасида ўқув, ўқув-услугий, илмий-тадқиқот жараёнларини ташкил этиш.

2. Таълим стандартлари, ўқув режа, фан дастури ва бошқа локал ҳужжатлар бўйича хорижий тажрибаларнинг қиёсий таҳлили.

2-амалий машғулот:

Журналистика ва коммуникация фанининг энг янги ютуқ ва натижалари.

1. Журналистика ва коммуникация фанини ривожланишига сўнгги 10 йилда ҳисса қўшган соҳанинг етуқ олимлари ва улар томонидан яратилган илмий назариялар.

2. Илмий мактаблар фаолияти, кашфиётлар натижаси.

3. Журналистика ва коммуникация соҳаси бўйича нашр этилган сўнгги ўқув ва илмий адабиётлар таҳлили.

3-амалий машғулот:
Журналистика ва коммуникация фанининг жорий ҳолати ва истиқболдаги вазифалари.

1. Ҳозирги замон журналистика ва оммавий коммуникация жараёнларининг мазмуни.

2. ОАВ ва оммавий коммуникациянинг истиқболлари.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модуль бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лоyiҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

№	Ўқув-топшириқ турлари	Максимал балл	Баҳолаш мезони		
		2,5	"аъло" 2,2-2,5	"яхши" 1,8-2,1	"ўрта" 1,4-1,7
1.	Тест-синов топшириқларини бажариш	0,5	0,4-0,5	0,34-0,44	0,28-0,3
2.	Ўқув-лойиҳа ишларини бажариш	1	0,9-1	0,73-0,83	0,56-0,7
3.	Мустақил иш топшириқларини бажариш	1	0,9-1	0,73-0,83	0,56-0,7

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс. Таҳририятда энди иш бошлаган журналист ташриф имконияти очик бўлган ташкилотда ўтказилаётган матбуот анжуманига ташриф буюрди. Бироқ анжуман ташкилотчилари журналистнинг аккредитацияси йўқлигини сабаб қилиб уни анжуманга киргизишмади. Мазкур масалани ҳал этишда журналист қандай йўл тутиши керак?

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Журналист амалга ошириши лозим бўлган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

“Ассисмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассисмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. *Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.*



Тест

- Конвергент журналистика нима?
- А. Анъанавий журналистика
- В. Аудио, визуал ва босма журналистика муштараклиги
- С. Online журналистика



Қиёсий таҳлил

- Конвергент журналистика элементларини таҳлил қилинг?



Тушунча таҳлили

- Конвергент тушунчасини изоҳланг...



Амалий кўникма

- Конвергент таҳририятда фаолият олиб бориш малакасини кўрсатинг?

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки катнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва туюқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Медиа	турли кўринишдаги коммуникация ва ахборот воситаси	
Ахборот	тўпланган, қайта ишланган ва изоҳланган, фойдаланиш учун қулай бўлган кўринишда тақдим этиладиган маълумот	
Блогер	Интернетдаги ўз веб-сайт саҳифасига эга, ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборотни жойлаштирувчи жисмоний шахс.	
Блог	Интернетдаги жисмоний шахсга тегишли веб-сайт ёки веб-сайт саҳифа.	
Блогпост	блогернинг ўз интернет саҳифасида эълон қиладиган материали	
Конвергент журналистика	аудио, видео ва босма форматдаги материалларни тайёрлаш салоҳиятига эга журналистика	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

“Венн Диаграммаси” методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланadi. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб

чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки

“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**«Журналист суриштирувини амалга ошириш» кетма-кетлигини
жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб кўринг!**

Ҳаракатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси
Ноаънавий ахборот манбаларини текшириш					
Экспертларга мурожаат қилиш					
Материал тайёрлаш					
Фактларни излаш					
Маълумотларни қиёслаш					
Муаммони аниқлаш					
Чоп этиш					
Ижтимоий фикрни ўрганиш					

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

РЕЖА

1.1. Ривожланган Европа давлатлари (Германия, Буюк Британия), Осиё мамлакатлари (Япония, Жанубий Корея) ва Америка Қўшма Штатлари каби давлатларнинг ўқув, ўқув-услугий, илмий-тадқиқот жараёнларини ташкил этиш ва амалда қўллаш.

1.2. Ўқув жараёнининг норматив-ҳуқуқий асослари (таълим стандартлари, ўқув режа, фан дастури ва локал ҳужжатлар) бўйича хорижий тажрибалар ва уларнинг қиёсий таҳлили.

Таянч иборалар: таълим, илгор тажрибалар, Болон жараёни, кредит тизими, таълим тамойиллари, модератор тьютор эдвайзер фасилитатор.

1.1. Ривожланган Европа давлатлари (Германия, Буюк Британия), Осиё мамлакатлари (Япония, Жанубий Корея) ва Америка Қўшма Штатлари каби давлатларнинг ўқув, ўқув-услугий, илмий-тадқиқот жараёнларини ташкил этиш ва амалда қўллаш.

Инсоният цивилизацияси барча соҳаларда, жумладан таълим тизимида ҳам глобал ўзаро боғлиқлик даражасигача эришди. Ҳозирги кунда битта давлат ёки миллатнинг муаммоси бутун жаҳон ривожига катта таъсир этиши мумкин. Юзага келган экологик, иқтисодий, сиёсий муаммолар ва инқирозларнинг ечими фақатгина инсониятдан келажакда ақлий ва маънавий ривожланишни талаб этади. Бунга эса фақатгина тўғри ва сифатли таълим тизимини йўлга қўйиш орқалигина эришиш мумкин. Бугунги кунда дунёда юзага келган барча муаммолар илдизи таълим-тарбия тизимидаги сифат нуқсонлари натижаси десак хато бўлмайди. Бунинг ечими таълим-тарбияга эътиборни янада ошириш, бу соҳага янада кўпроқ маблағ ажратиш орқали таълим сифатини юксалтириш билан ҳал этилиши мумкин.

“Бугунги кунда, БМТ маълумотларига кўра, мамлакатимизда таълимга йўналтирилаётган харажатлар давлат бюджетининг 35 фоизидан ортиғини ташкил этмоқда”¹. Лекин, таъкидлаш жоизки, таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг янада ижобийлиги педагогларнинг глобаллашув ва

¹ Мухторов А. ва б. Таълим соҳасини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналы. № 4, май, 2012.

ахборотлашган жамият таълим тизими мазмун-моҳиятини нечоғлик тушуниб етишларига ва қанчалик астойдил бажаришларига ҳам боғлиқдир.

Болон Декларацияси. Болон жараёни – олий таълимда ягона Европа тизимини вужудга келтириш мақсадида Европа давлатлари таълим тизимини бир-бирига яқинлашуви ва мослашиш жараёнидир. Болон жараёнининг расмий бошланиш вақти 1999 йил 19 июнда Европанинг 29 давлати томонидан Болон декларациясини қабул қилиниши ҳисобланади. Болон жараёнининг бошланиш тарихи 1970 йилларда Европа Иттифоқи вазирлар Кенгашининг таълим соҳасидаги биринчи резолюциясини қабул қилиниши билан белгиланади. 1998 йилда Европанинг 4та давлати (Франция, Германия, Буюк Британия ва Италия) таълим вазирлари Париж университетининг 800 йиллигини нишонлаш вақтида, олий таълимдаги турли тизимлар Европада фан ва таълимни ривожланишига тўсиқ бўлаётганлиги тўғрисида бир фикрга келишди ва Сорбон декларациясини имзолашди. Декларациянинг мақсади Европада олий таълим тизимини стандартлаштириш мақсадида умумий қоидалар ишлаб чиқишдан иборат эди. Сорбон декларацияси мақсади 1999 йилда Болон декларациясини имзоланиши билан ўз тасдиғини топди ва Европанинг 29 давлати ўз хоҳиши билан, ихтиёрий равишда ушбу декларацияни имзоладилар. Ҳозирги кунда Европа Иттифоқига аъзо 49 давлатдан қуйидаги 47 таси (Монако ва Сан-Маринодан ташқари) ва Европа Комиссияси ушбу жараён иштирокчиси ҳисобланади².

Болон жараёнининг асосий мақсади: Европада ягона олий таълим тизимини вужудга келтириш, жаҳонда Европа олий таълим тизимини фаоллаштириш; Европанинг барча олий таълим муассасаларига киришга кенг йўл очиш; Европа олий таълим тизимининг сифати ва мавқеини янада ошириш; ўқитувчилар ва талабалар мобиллигини ривожлантириш; Болон декларациясига аъзо давлатлар олий таълим тизимида барча академик даражалар ва бошқа ихтисосликларни меҳнат бозори талаблари асосида бир хил шакллантириш ҳисобига битирувчиларни муваффақиятли иш билан таъминлашни йўлга қўйиш.

Декларация қуйидаги 7 та асосий тамойилларни ўз ичига олган:

1. Бир хил академик даража ва диплом иловасини бериш орқари Европа фуқароларини иш билан таъминлаш имкониятларини ошириш, Европа олий таълим тизимини халқаро рақобатбардошлигини таъминлаш.

2. Олий таълимда икки поғонали (цикли) ўқитишни йўлга қўйиш: таянч (дастлабки) олий таълим (undergraduate) ва битирувчи (graduate). Биринчи цикл камида 3 йил давом этиши кўзда тутилган ва бакалавр даражасини беради. Иккинчи цикл магистр даражасини олиш билан якунланади.

² Австрия (1999), Азербайджан (2005), Албания (2003), Андорра (2003), Армения (2005), Бельгия (1999), Болгария (1999), Босния и Герцеговина (2003), Ватикан (2003), Великобритания (1999), Венгрия (1999), Венгрия (1999), Греция (1999), Грузия (2005), Дания (1999), Ирландия (1999), Исландия (1999), Испания (1999), Италия (1999), Казахстан (2010), Кипр (2001), Латвия (1999), Литва (1999), Лихтенштейн (1999), Люксембург (1999), Македония (2003), Мальта (1999), Молдавия (2005), Нидерланды (1999), Норвегия (1999), Польша (1999), Португалия (1999), Россия (2003), Румыния (1999),Сербия (2003), Словакия (1999), Словения (1999), Турция (2001), Украина (2005), Финляндия (1999), Франция (1999), Хорватия (2001), Черногория (2007), Чехия (1999),Швейцария (1999), Швеция (1999), Эстония (1999).

3. Талабаларнинг катта ҳажмда мобиллигини таъминлаш мақсадида зачет бирликларини ягона Европача тизимини тадбиқ этиш.

4. Талабаларнинг мобиллигини ривожлантириш. Трансмиллий таълим стандартини ўрнатиш.

5. Таққосланадиган мезонлар ва услубиётларни ишлаб чиқиш мақсадида сифатни таъминлаш учун Европа ҳамжамиятига кўмаклашиш.

6. Таълим сифатининг ички назорат тизимини тадбиқ этиш ва ОТМ фаолиятини ташқи баҳолашга талабалар ҳамда иш берувчиларни жалб этиш.

7. Ўқув режаларини, институтлараро ҳамкорлик, мобиллик ва ҳамкорлик ўқув дастурлари, амалий тайёрлов ва илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни ривожлантириш орқали олий таълимда Европача анъаналарни юзага келишига кўмаклашиш.

Болон жараёни тамойиллари таълим дастурларини қиёслаш муаммосини ҳал этишга қаратилган ECTS (European Credit Transfer System) таълим натижаларини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва қўллаш, академик мобилликни оширишга кўмаклашишни назарда тутди.

ОТМ ECTS тизимини жорий этиши учун қуйидагиларни амалга ошириши талаб этилади:

- ўқув режаларининг аниқ ва тушунарлилигини таъминлайди (ўқув жараёни тўғрисида тўлиқ маълумотларни батафсил баён этади);

- академик ихтисослик (даража)ни тан олинимида кўмаклашади.

- ўқув режасида курслар таркибини, талабанинг ўқув юкмасини ва ўқиш натижаларини аниқ ифодалайди.

- ўзининг мустақиллигини сақлайди ҳамда талабанинг ўқиш натижаларига оид қабул қилинган қарорлари учун тўлиқ жавоб беради.

ECTS Европа Комиссияси ERASMUS дастур лойиҳасининг дастлабки сифатида юзага келган бўлиб, ундан кўзланган мақсад Европа ҳамжамиятига аъзо давлатлар олий таълим тизимида барча таълим натижаларини академик жиҳатдан тан олишни қўллаб-қувватлашдир³.

Ўзбекистонда таълим сифатини халқаро рақобатбардошлигини таъминлаш, миллийликни сақлаган ҳолда ривожланган давлатлар таълим тизимини, жумладан Болон декларациясини атрафлича ўрганиш орқали халқаро таълим тизимига кириб бориш, таълимда ҳамкорликни таъминлаш мақсадида Олий ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъатининг 2003 йил 28 майдаги 5/6-сон ва 2003 йил 5 августдаги 7/3 –сон қарорлари қабул қилинган.

Хорижий давлатлар таълим тизими ҳақида маълумотлар. Ривожланган мамлакатларда таълим самарадорлиги тараққиётининг 16-фоизи моддий-техника базага, 20 фоизи - ресурсларга, 64 фоизи - инсон омилига боғлиқ. “Олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлаш, таълим тизимини ислоҳ қилишнинг жаҳонда тан олинган, тажрибада исботланган 4 та модели мавжуд. Булар АҚШ, Франция, Германия ва Япония мамлакатларининг

³ Ткач Г.Ф., Филиппов В.М., Чистохвалов В.Н. Тенденции развития и реформы образования в мире. – М.: РУДН, 2008. С. 133.

моделлариدير. Улар, гарчи, умумий қоида ва йўналишлар бўйича бир-бирига яқин бўлса-да, лекин мавжуд мамлакатларнинг ҳозирги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳолати, миллий хусусиятлари ҳамда фуқароларнинг яшаш шароитидан келиб чиқиб, фарқ қилади. Масалан, Япония таълим тизимида «Оила» омилига катта эътибор берилган. Америка ёки Францияда эса маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда пуллик мактаблар жорий этилган. Лекин айрим мамлакатларда ўзини оқлаган ва самара берган моделларни ўзга давлатлар учун тўғридан-тўғри қўллаб ёки татбиқ этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатлар тажрибалари чуқур ўрганилиб, миллий ҳамда республикамизга хос бўлган хусусиятлар, шароитлар инobatга олинган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимининг ўзига хос модели яратилди”⁴.

Франция олий таълим тизимида юқори рақобатбардошликни қўллаб-қувватлаш ҳамда халқаро таълим бозорида мамлакат ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида олий таълимни бошқариш тизимида “КампюсФранс” (CampusFrance) агентлиги ташкил этилган бўлиб, Миллий таълим вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги назорати остидадир. “КампюсФранс”нинг асосий вазифаси бўлиб, француз олий таълим тизимини хорижий мамлакатларда тарғиб этиш, халқаро олий таълим бозоридаги Франциянинг ўрнини мустаҳкамлаш, Францияда ўқишни ташкил этишда ўқув дастурлари сифатини ошириш, маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш, стипендиялар тақдим этишдан иборат. “КампюсФранс” билан бир қаторда “ЕдуФранс” (EduFrance) агентлиги ҳам фаолият кўрсатиб, у француз олий таълимини бозорга тарғиб этишга, чет эллик талаба ва доктарантларга ёрдам кўрсатиш, шу жумладан, олий таълим соҳасида ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича консалтинг фаолиятини амалга ошириш билан шуғулланади.

АҚШда континентал тизимлардан фарқли равишда олий таълим тизими таълим муассасаларини буйруқ ва марказлаштириш орқали эмас, балки эркин мувофиқлаштириш замирида қурилган. АҚШ таълим тизимининг бош хусусияти бошқарувнинг ўта демарказлаштирилганлик даражасидир. Яъни, таълим тизимида бош роль таълим муассасаларининг ўзига тегишли, давлатга эмас. Таълим соҳасини бошқариш бўйича ваколатлар федерал ҳокимият, конгресс, штатлар, округлар ва алоҳида таълим муассасалари ўртасида тақсимлаб олинган. Таълим соҳасида ўзини ўзи бошқариш АҚШнинг энг олий ютуқларидан бири сифатида баҳоланади. Конституцияга мувофиқ, ҳар бир штат таълим соҳасида суверенитетга эга бўлиб, уларнинг ҳар бирининг мустақил таълим тизими мавжуд. Олий таълим муассасалари фаолияти, олий таълимнинг мақсади, ҳуқуқий шакли, тури, ўқитиш дастурлари ва бошқалар штат қонунчилиги билан тартибга солинади.

АҚШда **Таълим департаменти (ED)** ва **Таълим ресурслари ахборот маркази (ERIC)** бу соҳадаги махсус ваколатли органлар ҳисобланади. Таълим департаменти ўз фаолиятида Фуқаровий ҳуқуқлар офиси, Ўрта

⁴ Мухторов А. ва б. Таълим соҳасини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналы. № 4, май, 2012.

таълимдан кейинги таълим офиси, Махсус таълим офиси, Ўсмирлар таълими офиси, Таълим нашрлари маркази, Бошланғич ва ўрта таълим офиси, Инновациялар ва яхшилаш офиси, Таълим фанлари Институту, Президент грантлари бўйича Оқ уй комиссияси ва бошқаларга раҳбарлик қилади.

Олий таълим муассасаси – АҚШ Таълим департаментининг Олий таълим бошқармаси ваколатига киради. Хусусан, ушбу Бошқарма қуйидаги масалаларни ҳал қилади: федерал таълим сиёсатини шакллантириш; таълим қонунчилигига ўзгартириш ва қўшимчалар тайёрлаш; ўқув дастурларини бошқариш; олий таълим муассасаларини аккредитациядан ўтказиш бўйича давлат агентликларига қўйилган талаблар.

Олий таълим тизимини бошқаришда асосий масалалар штатлар ваколатига киритилган. Штатларда қоида тариқасида номланиши ва ваколатлар ҳажмига кўра, бир-биридан фаркланадиган турли бошқарув органлари ташкил этилади. Аксарият штатларда Олий таълим масалалари бўйича Кенгаш ёки Олий таълим бўйича комиссия сингари штат губернатори вакили, қонунчилик ҳокимияти, олий таълим муассасаси ва талабалар вакилларидан иборат бўлган махсус органлар ташкил этилади ва улар штатнинг олий таълим соҳасидаги умумий сиёсати учун масъул бўлади. Шунингдек, олий таълимнинг алоҳида соҳаларини бошқариш бўйича махсус органлар ҳам тузилиши мумкин: масалан, Талабаларга молиявий ёрдам бўйича комиссия ва б.к.

Шу билан бир қаторда таъкидлаш лозимки, АҚШда олий таълим соҳасида “давлат таълим стандарти”, “давлат намунасидаги диплом”, “мутахассис ва йўналишлар рўйхати”, “ОТМга қабул қоидалари” каби норматив қоидалар мавжуд эмас. Университетлар мустақиллиги қоидаси уларга ўз таълим қоидаларини белгилаш имконини беради.

Олий таълимни бошқариш бўйича функцияни амалга оширишда Америка университетлари ассоциацияси, Муҳандислик таълими ассоциацияси ва бошқа мустақил ташкилотлар ҳам ўзига хос ўрин тутаяди. Чунончи, улар таълим дастурларини жамоатчилик аккредитациясидан ўтказадилар, статистикани тўплайдилар, таълим муассасаси фаолиятини таҳлил қиладилар.

Барча штатларда олий таълим муассасаларини бошқариш мажбурияти қоида тариқасида тегишли штатнинг оддий фуқароларидан иборат бўлган бир ёки бир нечта бошқарувчи қўмиталарга бириктирилади. Ўз функцияларига кўра, ушбу органлар васийлик кенгашига яқин. Бироқ, васийлик кенгаши битта олий таълим муассасаси ишлари билан шуғулланса, бошқаруви қўмиталар штатлар иштирокида бир нечта олий таълим муассасалари фаолиятини назорат қилади.

Буюк Британияда эса, француз таълим моделидан фарқли равишда олий таълим муассасалари азал-азалдан мустақиллик даражаси юқорилиги, давлат секторининг таркибий қисмига мансуб эмаслиги ва ҳаттоки ҳукумат томонидан бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ҳолатида ҳам уларнинг ички сиёсатига аралашилмаслиги хосдир. Буюк Британияда университетлар мустақиллиги қуйидаги белгиларда намоён бўлади:

талабалар қабули ва қабул имтиҳонлари устидан назорат; ўқув дастури мазмунини белгилаш; ишга қабул қилиш ва профессор-ўқитувчилар таркибини хизмат лавозимини кўтариш тўғрисида қарор қабул қилиш; молия маблағларини харажатлар моддалари бўйича тақсимлаш; илмий тадқиқотлар мавзуларини белгилаш.

Таълим ва малака вазирлиги (Department for Education and Skills – DfES) мамлакатда таълим сиёсатини шакллантиради ва олий таълимни молиялаштириш учун масъул ҳисобланади. У молиявий сиёсатни амалга ошириш ҳуқуқини Англияда Олий таълимни субсидиялаш бўйича кенгашга (CCBOA – Higher Education Funding Council for England – HEFCE), Таълим ва малака бўйича кенгашга (Learning and Skills Council), Ўқитувчилар малакасини ошириш агентлигига (Teacher Training Agency) ва бошқаларга ўтказди.

Жанубий Кореяда ҳам олий маълумотга эга бўлиш ҳар бир корейс фуқаросининг кейинги маъқеи муваффақияти учун жуда катта аҳамият касб этади. Жанубий Кореяда таълим тизими масалалари билан Таълимни бошқариш вазирлиги шуғулланади. Муқаддам уни шунчаки “Таълим вазирлиги” деб номлашган. Аммо 2001 йилдан бошлаб алоҳида сифатли таълим бериш ва шахсни ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида таълим вазирлиги ваколатлари доирасини кенгайтирилди. Таълим вазири эса вице-бош вазир даражасигача кўтарилди. Бу ташкилот боланинг ёшлигидан бошлаб то юқори мактабни битиргунга қадар таълим олишини таъминлайди ва назорат қилади.

Жанубий Кореянинг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига кўра, барча – давлат тасарруфидаги ва хусусий олий ўқув юртлари таълим вазирлиги ва меҳнат ресурсларини ривожлантириш хизмати томонидан бошқарилади. Бошқа масалалар бўйича университетлар Корея Университет таълими кенгаши тамойилларига таянади. Жанубий Кореяда кўйидаги таълим муассасалари турлари мавжуд: коллеж ва университетлар (хусусий ва миллий, давлат тасарруфида); саноатга ихтисослашган университетлар; педагогика институтлари; сиртки университетлар ва очик университетлар.

1.2. Ўқув жараёнининг норматив-ҳуқуқий асослари (таълим стандартлари, ўқув режа, фан дастури ва локал ҳужжатлар) бўйича хорижий тажрибалар ва уларнинг қиёсий таҳлили.

Таълим тизимини ташкил этиш ва сифатини оширишга оид **Европа ҳужжатлари:**

1) Европа минтақасида олий таълимга тааллуқли малакани тан олиш тўғрисидаги Лиссабон конвенцияси (11.04.1997 й.);

2) Университетларга кириш ҳуқуқини берувчи дипломлар эквивалентлиги тўғрисидаги Европа Конвенцияси (11.12.1953 й.);

3) Университет таълими даврийлиги эквивалентлиги тўғрисидаги Европа конвенцияси (15.12.1956 й.);

4) Университет малакаларини академик тан олиш тўғрисидаги Европа конвенцияси (14.12.1959 й.);

5) Университет таълими даврийлигининг умумий эквивалентлиги тўғрисидаги Европа конвенцияси (06.11.1990 й.);

6) Европа минтақаси давлатларида ўқув курсларини, олий таълим ва илмий даражаларини тан олиш тўғрисидаги Конвенция (21.12.1979 й.);

7) Европа маданият Конвенцияси (19.12.1954 й.)⁵.

Европа олий таълим ҳудуди: Европа таълим вазирлари қўшма мурожаати (Болонья декларацияси, 1999 йил 19 июнь) **6** та асосий мақсадни белгилаб беради:

1) Европа фуқароларининг меҳнат қилиш имкониятини таъминлаш ва Европа олий таълим тизим халқаро рақобатбардошлигини ошириш мақсадида осон тушуниладиган ва таққосланадиган даражалар тизимини қабул қилиш, шу жумладан, дипломга Иловани жорий этиш орқали;

2) моҳиятан икки асосий – даражагача ва даражадан кейинги циклларга асосланган тизимни қабул қилиш. Иккинчи циклга кириш давомийлиги уч йилдан кам бўлмаган биринчи цикл ўқишини муваффақиятли яқунлашни талаб қилади. Биринчи циклдан кейин бериладиган даража Европа меҳнат бозорида тегишли даражадаги малака сифатида талабчан бўлиши лозим. Иккинчи цикл аксарият Европа мамлакатларидаги сингари магистр ва (ёки) доктор даражасини олишга йўналтирилган бўлиши лозим;

3) ECTS – меҳнат лаёқати бирликларини топшириш европача тизими бўйича кредитлар тизимини жорий этиш.

4) эркин ҳаракатланишни самарали амалга ошириш учун тўсиқларни бартараф этиш орқали саъй-ҳаракатларни умумлаштиришга кўмаклашиш, шу жумладан, қуйидагиларга эътибор қаратиш: ўқувчиларга таълим олиш ва амалий таёргарлик кўриш ва тегишли хизматлардан фойдаланиш имконияти таъминланиши лозим; ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва маъмурий ходимларга тадқиқот ўтказишга, дарс беришга ва стажировка ўташга сарфланган вақтларини қонунда белгиланган ҳуқуқларига зарар етказмаган ҳолда тан олиш;

5) ўзаро мутаносиб мезонлар ва методологияларни ишлаб чиқиш мақсадида таълим сифатини таъминлашда Европа даражасидаги ҳамкорликка кўмаклашиш;

6) Европада олий таълимга, шу жумладан, ўқув режаларини ривожлантиришга, институтлараро ҳамкорликка, ўзаро ўқитиш дастурлари ва илмий тадқиқотларни тайёрлаш ва ўтказишга доир зарур қарашларни шакллантиришга ёрдам кўрсатиш⁶.

Болонья жараёни асосий қоидалари. Даражалар тизими: I даража – бакалавр – 3-4 й.; II даража – магистр – +1-2 й.; докторант – +3 й.; (жами – 3-5-8 йил). Бакалавр меҳнат бозорида талабчан бўлиши лозим. Таълим вазирлиги Меҳнат вазирлиги билан ушбу масала музокаралар олиб боради. ECTS (тўпловчи ва ўтказувчи тизимлар) – бир семестрда 30 кредит, йилига

⁵ Ткач Г.Ф., Филиппов В.М., Чистохвалов В.Н. Тенденции развития и реформы образования в мире. – М.: РУДН, 2008. С. 138.

⁶ Ткач Г.Ф., Филиппов В.М., Чистохвалов В.Н. Тенденции развития и реформы образования в мире. – М.: РУДН, 2008. С. 135.

60 кредит тўплаш керак. Ҳозирда сўз дипломларни тан олиш ҳақида бормоқда, уларнинг ва ўқитиш даврининг эквивалентлиги ҳақида эмас.

Хорижий таълимда сўнгги йилларда олий таълимда дарс берувчи педагогга нисбатан бирқатор терминлар кенг ишлатилмоқда. Буларга тьютор, эдвайзер, фасилитатор ва модератор тушунчалари киради.

Энди бевосита халқаро миқёсдаги журналистика таълимига тўхталсак. Бу турдаги таълимни янгилаш ва тараққий эттириш масалалари халқаро миқёсда кўп бора муҳокама қилинган. 3-Халқаро журналистик таълим конгресси делегатлари мазкур масаланинг икки жиҳати мавжудлигини ўқтирдилар. Дастлабки жиҳат, журналистик таълим ривожланишининг тарихий йўли, иккинчиси эса, бу соҳа таълимининг янги йўлини излаш. Мазкур масалалар мураккаб ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий контекста шаклланди. Негаки, 2008 йилдаги глобал иқтисодий, молиявий инқироз шароитида журналистика ва унинг таълими мураккаб ўзгаришларга юз тутиши тақозо этилди.

Говард Финберг 2012 йилда Европа журналистлари марказида сўзга чиқиб, “Биз синфхоналар ва таълим усулларига янгилик жорий этишимиз керак. Инновациялар журналистик таълимни енгиллаштиради” деб айтганди. Инновациялар борасидаги таклифга Дэйн Клауссен Нью Йорк Карнеги корпорациясининг муҳим тадқиқотларига эътиборни қаратиб, АҚШ журналистикасига таҳлил тафаккури, юксак ахлоқий туйғу билан, малака, маҳсул билимлар, мураккаб мавзулар доирасидаги, жамият борасидаги билимлар, тил, дин ва маданиятдан хабардорлик кераклигини тилга олади.

Глобал журналистик таълим ҳатто хусусий сектор иштирокини жалб этди. Дунёнинг кўплаб ҳудудларида, асосан ривожланаётган давлатларда тижорий гуруҳлар алоҳида эътибор қаратдилар, негаки, хусусий мулкка асосланган ОАВлар сонининг ортиши, рақобатбардош кадрларга эҳтиёжни янада оширди. Бу эса таълим дастурларининг турфа моделлари яралишини тақозо этди. Журналистик таълими халқаро кенгаши маълумотига кўра, 3000га яқин ўқув дастурлари рўйхатга олинди.

Мазкур дастурлар самараси ўлароқ, таълим сифати ошиб, мутахассислар ҳамда журналистика тараққиётига сезиларли таъсир қилди. Журналистик таълимининг сифат кўрсаткичи бевосита жамиятнинг демократия кўрсаткичига ҳамда фуқароларнинг хабардорлик даражаси ва сўз эркинлиги даражасига таъсир қилиши яққол кўринди. Шу боис мазкур соҳа таълимига ЮНЕСКО доирасида ўқув дастурлари ишлаб чиқилди⁷.

⁷ MODEL CURRICULA FOR JOURNALISM EDUCATION. A COMPENDIUM OF NEW SYLLABI. United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization. – France. UNESCO 2013. 7-13 p.

Назорат саволлари:

1. Мамлакатимизда таълимга йўналтирилаётган ҳаражатлар давлат бюджетининг нечи фоизидан ортиғини ташкил этмоқда?
2. Болон Декларациясининг моҳияти нимадан иборат?
3. Болон жараёнининг асосий мақсади нима?
4. Декларация қандай асосий тамойилларни ўз ичига олган?
5. Хорижий давлатлар таълим тизими ҳақида маълумот беринг.
6. АҚШ, Буюк Британия, Жанубий Корея таълим тизимининг ўзига хос жиҳатлари нимадан иборат?
7. Таълим тизимини ташкил этиш ва сифатини оширишга оид қандай Европа ҳужжатлари мавжуд?
8. Глобал журналистик таълимнинг бугунги долзарб масалалари нимадан иборат?

Фойдаланган адабиётлар:

1. Ткач Г.Ф., Филиппов В.М., Чистохвалов В.Н. Тенденции развития и реформы образования в мире. – М.: РУДН, 2008. С. 133–141.
2. MODEL CURRICULA FOR JOURNALISM EDUCATION. A COMPENDIUM OF NEW SYLLABI. United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization. – France. UNESCO 2013. 7-13 p.
3. Мухторов А. ва б. Таълим соҳасини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, май, 2012.

2-мавзу: ЖУРНАЛИСТИКА ВА КОММУНИКАЦИЯ ФАНИНИНГ ЭНГ ЯНГИ ЮТУҚ ВА НАТИЖАЛАРИ.

РЕЖА:

2.1. Таълим хизматларини кўрсатиш бўйича дунё бозори ва хорижий тажрибалар.

2.2. Журналистика ва коммуникация фанини ривожланишига сўнгги 10 йилда ҳисса қўшган соҳанинг етук олимлари ва улар томонидан яратилган илмий назариялар.

Таянч иборалар: таълим хизматлари, таълим бозори, журналистик мактаблар, журналистик таълимнинг замонавий тенденциялари, амалий журналистика, эмпирик таълим.

2.1. Таълим хизматларини кўрсатиш бўйича дунё бозори ва хорижий тажрибалар.

Жаҳон таълим бозорининг ўзига хослиги кучли рақобатга асосланганлигидадир. Чунки, биринчидан, таълим борган сари кўпроқ мамлакатларнинг глобаллашаётган меҳнат ва энг янги технологиялар бозорларига кириб бориш воситасига, иккинчидан, эса, янги бозорларни эгаллашда давлат иқтисодий стратегиясининг муҳим унсурига айланиб бормоқда.

Ўзбекистон аҳолисининг билим даражаси унинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги даражасини белгилайди. Таълим соҳасининг барқарор ривожланиши мамлакатимизнинг жадал ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашнинг гаровидир. Унга эришишда таълим хизматлари бозоридаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш асосида таълим муассасаларининг самарали фаолиятини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, таълим соҳасининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни унинг ривожланиши билан ўзгариб боради. Хусусан П.Дракернинг фикрича, ҳозирги даврда «билимлар капитал ва ишчи кучини четга суриб, ишлаб чиқаришнинг етакчи омилига айланмоқда»⁸.

Бизнинг фикримизча, таълим тизимини ривожлантириш борасида ҳар бир мамлакат ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражасидан келиб чиққан ҳолда, ўзига хос хусусиятлари ва анъаналари асосида мазкур тизимда бозор ва давлат томонидан тартибга солиш механизми ўртасида мақсадга мувофиқ нисбатни топиши лозим. Ҳозирги даврда таълимни ташкил этишнинг анъанавий ва янгича қарашлари ишлаб чиқилган. Уларнинг таълим жараёни таркибий қисмлари бўйича қиёсий таҳлили, биринчидан,

⁸ Дракер П. Посткапиталистическое общество // Экономика XXI века – Москва, 1999. - № 11 – С. 3-4

улар ўртасида принципиал фарқлар мавжуд эканлиги (1–жадвал), иккинчидан эса ҳозирги даврда таълимда янгича қарашларни шакллантириш долзарб масала эканлигини кўрсатди.

1 – жадвал

Таълимнинг анъанавий ва янгича қарашларини қиёслаш

Таълим жараёни таркибий қисмлари	Анъанавий қарашлар	Янгича қарашлар
Илмий кадриятлар	Фанни абсолютлаш, илмий рационализмнинг классик турига асосланиши унинг моҳиятини ташкил этади	Илмий рационализмнинг янги классик ва ундан кейинги тури устунлик қилади. Унда илмий билимлар инсонлар фаолиятини ижтимоий шароитлари ва ижтимоий оқибатлари нуқтаи назаридан кўриб чиқилади
Таълим мақсади	Ўтган даврнинг маданий тажрибасини бериш	Келажакда бунёдкорлик фаолиятининг кўринишини шакллантириш
Мувофиқлаштириш тамойиллари	Фанларни ўқитиш асосида ташкил этилган фанлар блоклари, кафедра ва ўқитувчилар алоҳидалашган	Фанлараро ўқитиш асосида ташкил этилган; тизимли фикрлаш инсонларнинг табиат, техника жамият қонуниятларини яхлит ҳолда ўзлаштириши
Воситалар	Кўпроқ тайёр билимлар ва масалалар ечимини беришга йўналтирилган таълим бериш восита ва усулларига асосланган. Улар бир маъноли бўлиб олдиндан ўқитувчиларга маълум бўлади	Билим бериш восита ва усуллари ижодий бунёдкор фаолият методологиясини ўзлаштириш, шахснинг инновацион қобилиятининг ўқитувчи билмаган нарсаларни яратишга йўналтирилганлиги

Ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШ таълим тизимлари ривожланишининг ўзига хос жиҳати доимий равишда ишлаб чиқариш ва дунёда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга монанд узлуксиз такомиллаштирилиб борилишидадир. Таълим тизими миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминловчи муҳим омил сифатида, дунёда глобаллашув жараёнлари билан боғлиқ ўзгаришларга очик ва мослашувчан бўлиши зарур. XX асрнинг 70 йиллари охиридан бошлаб Европа мамлакатларида олий маълумотга эга мутахассисларга талаб кескин ошган. Мураккаб технологияларга асосланган ишлаб чиқаришда юқори билим ва малакага эга бўлган мутахассисларга талаб кучайган. Шу боис, Европа мамлакатлари ислохотлар ёрдамида миллий таълим тизимини ишлаб чиқаришнинг янги шароитларига, глобаллашув ва техника тараққиётини жадаллашиши билан боғлиқ ўзгаришларга тезроқ мослаштиришга ҳаракат қилдилар.

Франция таълим тизими мутахассисларни тайёрлаш борасида юқори даражага эришганлиги ва фан соҳасининг ривожланганлиги бўйича

Европа мамлакатлари ичида пешқадам ҳисобланади. Мамлакатда таълим соҳаси давлат томонидан тартибга солинади ва ушбу соҳа устувор ҳисобланади. Ўқув юртларининг аксарият қисми давлатга қарашли бўлиб, давлат ва олий ўқув юртлари ўртасидаги муносабатлар шартнома тизимига асосланади. Ҳар бир олий таълим муассаси ўқув дастурларини амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларнинг қийматини ўз ичига қамраб олувчи стратегик режасини ишлаб чиқади. Уни бажариш учун имзоланган шартнома асосида олий ўқув юртлари давлат томонидан молиялаштирилади. Шартнома тизими олий таълим тизимининг ҳудудийлашишини рағбатлантиради ва ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш давлат томонидан ажратилган молиявий маблағлардан мақсадли фойдаланишга имкон беради.

АҚШ таълим тизимининг ўзига хослиги унинг номарказлаштирилганлигидир. Ушбу мамлакат консититуциясига биноан таълим тизими штатлар томонидан тартибга солинади. Штатлар олий таълимнинг аҳволи бўйича масъулиятнинг катта қисмини маҳаллий бошқарув органларига берганлар. Ҳозирги даврда АҚШда 50 дан ортиқ мустақил таълим тизимлари мавжуд. Уларнинг ўртасида умумий жиҳатлар ва айни пайтда ўзига хос хусусиятлар ҳам мавжуд. Олий таълим тизимига ҳудудий ёндашув таълимнинг турлилиги ва жамиятнинг ўзгариб боровчи эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаб беради. Таълим тизимининг хилма-хилигига қарамадан мамлакатда олий таълимнинг ташкилий тузулмаси бир бутундир. Чунки ишчи кучи билим даражаси ва ходимларнинг малакасига, аккредитация ва сертификация қилувчи органлар ва федерал ҳукумат бюджети ва штатлар томонидан олий таълимни молиялаштиришни тартибга солувчи турли хил қоидаларига қарамадан уларга умумий талаб қўйилишидир. Ҳозирги даврда АҚШ олий таълим тизимига 3,6 минг турли хил ўқув муассасалари киради. Хусусий ўқув юртларининг сони кўпроқ бўлса-да, бироқ давлатга қарашли ўқув юртларида таҳсил олаётганларнинг ҳиссаси 68,4 фоизни ташкил этади⁹. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, хусусий университетлар ўзига хос сифат эталони вазифасини бажарадилар. Хусусан, АҚШдаги энг нуфузли 10 та университетлар ичида 8 таси хусусий эканлиги бежиз эмас. Олий таълимни молиялаштириш манбалари турличадир. Хусусий университетлар бюджетининг учдан икки қисми, давлатга қарашли университетларда эса учдан бир қисмини талабаларнинг ўқишга тўлайдиган маблағи ташкил этади. АҚШ олий таълим тизимининг муҳим жиҳатларидан бири университетларда олиб бориладиган илмий тадқиқотларнинг саноат ишлаб чиқариши билан узвий боғлиқлигидир. Бу эса илмий натижаларни ўз вақтида амалиётга қўллаш ва юксак самара олишга имкон беради.

Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, АҚШ олий ўқув юртлари каттик рақобат шароитида ривожланмоқдалар. Улар миллий рейтингда юқори ўрин

⁹ Ткач Г.Ф., Филиппов В.М., Чистохвалов В.Н. Тенденции развития и реформы образования в мире. – М.: РУДН, 2008. С. 141.

олиш, марказлаштирилган ва маҳаллий органларнинг молиявий асигнациялари учун, турли фондларнинг грантлари ва субсидияларини олиш бўйича ўзаро мусобақалашадилар.

Жаҳон таълими тажрибасидан ўрин олган журналистика таълими тарихига тўхталсак. Бу соҳа таълими 100 йиллик тарихга эга. Журналистика мактаблари XIX-XX аср ўрталарида пайдо бўлди. Газета ва журналлар сонининг тез суръатларда ортиши туфайли соҳа мактаблари АҚШ, Германия, Англия, Швейцария, Япония, Италия, Хитойда очила бошланди. XX асрнинг биринчи ўн йиллигида Европа давлатларида улар сони бир неча мингга етди.

Даставвал Берлинда журналистларнинг биринчи олий мактаби ташкил топди. Тингловчилар матбуотнинг ҳуқуқий мақоми, матбаа ишининг техникаси ва тарихини, амалий журналистикани (таҳрир асослари, баҳс олиб бориш ва газета чоп этиш техникалари) ўргана бордилар, шунингдек, репортаж ва корреспонденция ёзиш малакаларини ўзлаштира бошладилар. Таълим пуллик эди.

XIX аср охирида АҚШда Виржиния ва Пенсильванияда журналистлар учун биринчи мактаблар ташкил этилди. 1902 йилда журналистика Олий мактаби Колумбия университетиде газета магнати Джозеф Пулитцернинг ташаббуси ва 2 млн. доллар сармояси асосида очилди. (АҚШда энг яхши адабий материаллар учун йиллик пулицер мукофоти бор). Шунингдек, Вашингтон ва Филадельфия университетларининг ҳуқуқ факультетларида ҳам журналистика мактаблари очилади¹⁰.

Европада журналистика таълимининг пешқадами сифатида Париждаги Олий ижтимоий фанлар мактаби таркибидаги журналистика факультети ҳисобланади.

Европа ва Америкада университет таълими асосида шаклланган журналистика мактаблари борасида азалий баҳслар бўла бошлади: журналистга махсус таълим керакми? Агар керак бўлса, қандай – университет фундаментал таълимими ёки махсус амалий таълимми? Биринчи йўналишни европа мактаблари, кейингисини америка мактаблари ёқлаб чиқишди. Бироқ 1920-йилларнинг охирига келиб ҳатто Америкада, бир неча ўнлаб мактаблар фаолият юритаётган жойда фундаментал таълим тарафдорлари ғолиб келишди. Бунинг сабаби қуйидагича: аср бошидаги америка мактабларида асосий эътибор репортаж техникаси, янгиликларни излаш методикаси, реклама психологияси, шунингдек, соф репортаж малакасини ривожлантиришга қаратилган эди. Бунда умумтаълимий тайёргарликка, талабаларда интеллектуал дунёқарашини ривожлантиришга, умум маданият шаклантиришга аҳамият берилмаган. Таълим кичик таҳририятларда малака ошириш шаклида олиб борилиб, чоп этилган газеталар чакана савдога чиқарилган. Мутахассисларнинг ёзишича, бу турдаги тайёргарлик инқирозга юз тутди. Маҳаллий газета эгаларидан бири жамоатчилик эътиборини журналистик таълим сифатига қаратди: махсус

¹⁰ Свитич Л.Г., Ширяева А.А. Журналистское образование: Взгляд социолога. М., 1997.

мактабларда таҳсил олган 20 нафар талабадан 5 йил ичида унинг газетасида фақат биргина мутахассис ишлаб қолганини маълум қилди¹¹.

Бу ҳолат сабабларини аниқлаш учун махсус комиссия тузилди. Унинг хулосаси шундай эди: нафақат янгиликларни яратиш мезонлари ва газета ишлаб чиқаришнинг амалий-технологик усулларини ўқитиш керак, балки тарих, социология, ва бошқа гуманитар фанлардан фундаментал билим ҳам бериш керак.

Бироқ чуқур тайёргарликка қаратилган ўзгаришлар америка мактабларида амалга оширилганига қарамай, гуманитар, тарих, филологик, юридик, ва ижтимоий фанлар билан биргаликда амалий журналистикага аҳамият берувчи европа мактабларидан фарқли ўлароқ улар ўз прагматик йўналишларини сақлаб қолдилар.

Бугун журналистик таълимнинг олдида ҳам ўзига хос масалалар қад кўтарган:

- Жамиятнинг маънавий ҳолати билвосита бу соҳа таълимига таъсир қилмоқда. Шу боис, таълим жараёнида унга қарши қандай тиришни билиш муҳим.

- ОАВ борасидаги давлат олиб бораётган сиёсат кўп ҳолларда унинг таълимига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

- Педагоглар замонавий таълим концепцияларини қийинчилик билан қабул қиляптилар.

- Журналистларни маънавий етук ва ватанпарвар қилиб тарбиялашнинг аниқ амалий методлари йўқ қисман.

- Олий ўқув юртларини битиргандан сўнг журналистлар шу таълим давомида сингдирилган ҳаётий принциплардан четлашадилар. Бу ҳам замонавий мутахассисни тайёрлашдаги асосий масалалардир¹².

Мазкур масалалар турли давлатларда турлича кўриниш касб этади ва уларни ечиш йўллари ҳам миллий, ментал жиҳатларга кўра турличадир.

Буюк Британияда журналистларни касбий тайёргарлиги икки шаклда олиб борилади:

- Амалий малака: Абитуриент таҳририяти билан шартнома тузиб, дастлабки журналистик тажриба ва касбий лаёқатга эга бўлади;

- Университет таълими: қоида бўйича абитуриент амалий тажрибага эга бўлиши керак. Талабалар кенг миқёсда умумназарий ва амалий билимларга эга бўладилар. Профессional таълим бўйича сертификат Лондон савдо-саноат палатаси (The London Chamber of Commerce and Industry) ҳамда Қироллик санъат жамияти (Royal Society of Arts) томонидан берилади. Имтиҳонларга тайёргарлик Питман институти (Pitman's Examinations Institute) томонидан амалга оширилади. Касбий тайёргарлик дастурларини «Reed Business Publishing», «Morgan Grampian», IPC, EMAP, Haymarket каби

¹¹ Свитич Л.Г., Ширяева А.А. Журналистское образование: Взгляд социолога. М., 1997.

¹² Огородников Ю.А. Философские подходы к профессиональной подготовке журналистов. // Основы журналистского образования. (сборник научных статей). – М., 2001. С.44.

йирик нашриётлар тавсия этадилар. Малака оширишни эса Рейтер агентлиги тақдим этади.

Францияда эса бироз бошқачароқ. Ўрта мактаб битирувчиси университет ёки олий мактабга кириб икки йилдан сўнг биринчи дипломни олиши, бир йилдан сўнг муваффақиятли таълим якунида, ўқув дастурларини ўзлаштиргач яна бир дипломни қўлга киритади. Бироқ ишга кириш асносида иш берувчи талабгорнинг олий ўқув юртлари профессионал уюшмаси томонидан тан олинганига эътиборни қаратади. Францияда шунингдек, редакциялар учун мутахассисларни тайёрловчи хусусий мактаблар ҳам бор. 1924 йилда асос солинган Лиллдаги Олий журналистика мактаби, 1946 йилда Парижда ташкил этилган журналистларни тайёрлаш Маркази. Давлат тасарруфидагилари эса қуйидагилар: Париж-4 университети қошидаги филология ва амалий фанлар таълими Маркази, Париж-2 университети қошидаги француз матбуоти институти, шунингдек, Бордо, Страсбург, Марсель, Тура университетларидаги журналистика бўлимлари. Бир қатор Париж, Ницце, Тулузадаги мактаблар журналистлар жамоа конвенцияси эътирофини кутмоқдалар. Француз жамияти журналистлардан асосан умуммаданиятнинг юқори бўлишини талаб қилади. Шу боис 1927 йилда очилган Париждаги француз матбуот институти таълимий-тадқиқий марказ сифатида медиасаноатни фанлараро тамойил сифатида ўрганишни мақсад қилган.

Германияда худди Буюк Британия сингари – назарий-амалий (университет таълими), ҳамда амалий таълим шакллари мавжуд. Университетларда бакалаврият ва магистратура босқичлари, амалий таълим шакллари эса тахририятлар қошидаги икки йиллик волонтирият йўналишидир¹³.

Италияда эса журналистикага университетларда уч йил ўқитилади. Массмедиада ишлашга талабгорлар албатта журналистлар уюшмасига аъзо бўлишлари керак. Бу эса бир неча талабларни бажарилгандан кейин амалга оширилади:

1. тахририятда 18 ойлик иш стажи;
2. ҳамкасб журналистлар томонидан тавсифнома;
3. Махсус фанлардан имтихон топшириш.

Мазкур тизим 1977 йилда шаклланган бўлиб ҳозирга қадар амал қилинади¹⁴.

¹³ Свитич Л.Г., Ширяева А.А. Журналистское образование: Взгляд социолога. М., 1997.

¹⁴ Владимирова Т.Н. Журналистское образование за рубежом: основные тенденции развития. // Мир образования – образование в мире. –М., 2015. №2. С.58.

2.2. Журналистика ва коммуникация фанини ривожланишига сўнгги 10 йилда хисса қўшган соҳанинг етук олимлари ва улар томонидан яратилган илмий назариялар.

Бугун конвергент журналистиканинг шаклланиши таълим соҳасида ҳам ўзига хос талабларни қўймоқда, яъни журналист универсализми. Шу кунларда амалий журналистика билан журналистика таълими мутахассислари талаблари ўртасида бирмунча фарқ хали ҳам сақланиб қолган. Иш берувчилар журналист кадрлар учун фаолият техникасидан хабардорлик ва умумий олий маълумотнинг етарли эканлигини таъкидлашса, журналист педагоглар шунингдек, кенг мушоҳада ва дунёқараш ҳамда юксак маданият ва билимнинг ҳам талаб этилишини таъкидламоқдалар.

Келинг, амалий журналистик таълим талаблари билан ҳам танишсак. Дания медиа ва журналистика мактаби профессори Кэйт Картвейт фикрича, телевизион журналистика таълими ёлғиз назарий билимлар билангина чекланиши мумкин эмаслиги, талаба амалий фаолият орқали тажриба ва малака орттириши, муаммоларни мустақил ҳал этиши, маҳсулотни яратиб унинг техник, эстетик ва бошқа жиҳатларини амалда хис эта билиши кераклигини таъкидлайди. У Колб тажрибавий таълими билан таништираркан, унинг амалий фойда жиҳатларини асослаб беради: Мазкур метод талабанинг ташқи таъсирлар натижасида тайёр билимни ўзлаштириши билан эмас, балки ички имкониятлар, ҳаракат, тажриба ва ҳатолар эвазига билим ва малакага эга бўлишни тақозо этади. Эмпирик таълим асослари шундан иборат.

Профессор Кэйт Картвейт ТВ-журналистика халқаро дастурида назарий таълимдан кўра, амалий ёндашув кўпроқ эканлигини таъкидлаб, Девид Колба асос солган 4 босқичли таълим моҳиятини тушунтиради.

Девид Колб таълимнинг биринчи босқичи – билвосита тажриба, иккинчиси – рефлексив кузатув, бу босқичда таълим олувчилар мулоҳаза қиладилар, учинчи босқич – назарий умумлашма, бу босқичда таълим олувчининг билимларига янги маълумотлар киритилади ва улар умумлашади ва сўнгги тўртинчи босқич – эксперимент босқичи, яъни билимлар бевосита амалда қўллаб кўрилади ва ўзлаштирилади.

Демак,

- а) хис қилиш ва кўриш,
- б) кўриш ва фикрлаш,
- в) амалда қўллаш ва фикрлаш,
- г) амалда қўллаш ва хис этишдан иборат.

Мана шу босқичлар асосида талабаларимиз мустақил телевизион материаллар яратишни ўрганадилар ва ҳар бир циклдан сўнг вазифалар мураккаблашиб боради¹⁵.

¹⁵ Kate Kartveit. Journalism teaching and experiential learning. // JOURNALISM RESEARCH • Science journal (Communication and information) • 2009. No2. 37-40.p

Бу метод дарҳақиқат амалда ўз самарасини бергани профессор томонидан қайд этилади. Демак, журналистика соҳаси таълими ўз мураккабликларига эга.

Журналистика – энг динамик ижтимоий институтлардан бири, унинг концепцияси ва тажрибаси бевосита ўзгарувчан ижтимоий ҳолатга боғлиқ. Шу қонидани алоҳида қайд этиш лозимки, журналистика даставвал ижтимоий соҳа, кейин эса ишлаб чиқарувчи ва хусусий фаолиятдир. Унинг қўлида жамиятга таъсир этувчи муҳим имконият борки, шу боис бу соҳа вакиллари таълимида, ҳуқуқий, тарихий, ахлоқий, маданий унсурларнинг етарли бўлиши такозо этилади. Фақат шундагина талабга мувофиқ журналистлар шаклланиши мумкин.

Назорат саволлари:

1. Таълимнинг анъанавий ва янгича қарашлари ўртасида қандай фарқлар бор?
2. Нима сабабдан XX асрнинг 70 йиллари охиридан бошлаб Европа мамлакатларида олий маълумотга эга мутахассисларга талаб кескин ошган?
3. Бугунги кунда АҚШда қанча мустақил таълим тизимлари мавжуд?
4. Журналистика таълими тарихи ҳақида нималарни биласиз?
5. Бугун журналистик таълимнинг олдида қандай ўзига хос масалалар мавжуд?
6. Конвергент журналистиканинг шаклланиши таълим соҳасига қандай янги талабларни қўймоқда?
7. Девид Колба асос солган 4 босқичли таълим моҳияти нимадан иборат?
8. Нима сабабдан журналистикани энг динамик ижтимоий институт деб атаёмиз?

Фойдаланган адабиётлар:

1. Дракер П. Посткапиталистическое общество. // Экономика XXI века. – Москва, 1999. №11. С.3-4.
2. Свитич Л.Г., Ширяева А.А. Журналистское образование: Взгляд социолога. - М., 1997.
3. Огородников Ю.А. Философские подходк к профессиональной подготовке журналистов. // Основы журналистского образования. (сборник научных статей). – М., 2001. С.44.
4. Владимирова Т.Н. Журналистское образование за рубежом: основные тенденции развития. // Мир образования – образование в мире. –М., 2015. №2. С.58.
5. Kate Kartveit. Journalism teaching and experiential learning. // JOURNALISM RESEARCH • Science journal (Communication and information) • 2009. No2. 37-40.p

3-мавзу: ЖУРНАЛИСТИКА ВА КОММУНИКАЦИЯ ФАНИНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАРИ.

РЕЖА:

3.1. Ҳозирги замон журналистика ва оммавий коммуникация жараёнларининг мазмуни.

3.2. ОАВ ва оммавий коммуникациянинг истиқболлари.

Таянч иборалар: *коммуникация, оммавий коммуникация, медиа, конвергент журналистика, фуқаролик журналистикаси.*

3.1. Ҳозирги замон журналистика ва оммавий коммуникация жараёнларининг мазмуни.

Ҳар бир фаннинг келиб чиқиш, шаклланиш, ривожланиш тарихи бор. Бир ёки бир неча фан чорраҳасида вужудга келган, мавжуд битта фандан ажралиб чиққан ҳолда алоҳида мустақил йўналиш ташкил этган фанлар бор. Ҳақиқатда ҳам фанми ёхуд фан эмасми, деган баҳс-мунозараларга сабаб бўлган, лекин кейинчалик ҳаёт синовларидан муваффақият билан ўтиб, гуркираб ривожланган фанлар кўп. Журналистика бундан мустасно эмас. Амалий журналистика инсон ва жамият ҳаёти ҳақиқатларини аниқлашга, унинг сирларини ўрганишга, пировард оқибат, жамият тараққиётини таъминлашга ҳаракат қилади ва хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, журналистика (оммавий ахборот воситалари) муҳим ижтимоий институт турларидан бири ҳисобланади.

Адабиётларда журналистиканинг бирламчи ва бош вазифаси кенг оммани ахборот билан таъмин этиш эканлиги кўп такрорланади. Тўғри, бу инкор этиб бўлмайдиган таъриф. Бироқ ахборот ва уни тарқатиш тушунчаси ҳақида сўз очилар экан, унинг изидан кўплаб масалалар, муаммолар занжир ҳалқалари мисоли қаторлашиб чиқиб келаверади. Мисол учун, ҳар қандай ахборотнинг ҳаққонийлиги, ҳолислиги мезонлари шу қадар мураккабки, мутлақ ҳаққонийлик ва ҳолисликка эришишнинг ўзи журналистиканинг фавқулотда ва бошқа ҳеч бир амалиётга ўхшамаган соҳа эканлигидан далолат беради. Агар журналистика моҳият эътибори билан жамият ҳаётидаги барча воқеа-ҳодисалар жараёнини ошкора кечишини таъминлашга қаратилган фаолият тури эканлигидан келиб чиқилса, унинг зиммасидаги вазифа ўн, юз карра мураккаблигини исботлашга ҳожат қолмайди. Жамиятда юз бераётган барча воқеа-ҳодисаларни очиқ-ошкора ёритиб бориш ўз-ўзидан амалга ошмайди. Назаримизда, жаҳон журналистикаси тарихида учраган мураккабликлар, офатлар, йўқотишлар, тўқнашувлар, зиддиятлар,

тушунмовчиликлар ва ҳоказолар таҳлил қилинса, улар келиб чиқишининг бош сабаби ҳам шунга, яъни воқеа-ҳодисаларни очик-ошкора ёритиш вазифасини жуда жўн тушуниш ва талқин этишга бориб тақалади.

Одатда, тарқатилаётган ахборотнинг ҳаққонийлиги учун масъулият журналист зиммасига тушади. Бироқ ҳар қандай ахборотнинг ҳаққонийлик даражаси сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий, маънавий, миллий, тарихий, психологик иқтисодий, ахлоқий ва ҳоказо мезонлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Журналист вазифасини тўғри ва ҳалол адо этмоғи учун ҳам шу ва бошқа омилларга асосланишга мажбур. Борди-ю ахборот давлатлараро, минтақа ёки дунё миқёсида аҳамиятга молик бўлса-чи? У ҳолда санаб ўтилган мураккаблик ўн, юз чандон ортади. Бундай ҳолатларда журналистнинг ихтисослашганлиги, профессионал маҳоратга эгаллиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Ҳар қандай ихтисослашув ва профессионаллашув эса олимона изланиш, таҳлил ва тадқиқдан, бир оғиз сўз билан айтганда, ишни илмий-интеллектуал ташкил эта билишдан бошланади. Шу хусусият журналистиканинг нафақат амалий, балки ўзига хос мустаҳкам илмий асосларга таянадиган фан эканлигидан далолат беради. Бинобарин, Е.Прохоровнинг «Инсоннинг кўплаб амалий фаолиятлари сингари журналистика ҳам фан билан чамбарчас боғлиқдир. У доимо фаолиятни илмий ёндашувлар билан таъминланишини тақозо этади»¹⁶, деган фикри ҳар жиҳатдан асослидир. Атоқли матбуотшунос олим Я.Засурский ёзганидек «Публицистиканинг ривожланиш қонуниятларини таҳлил қилишга уриниш журналистикада илмий тадқиқотнинг бошланиши сари қўйилган биринчи қадам эди». Вақт ўтгани сайин жаҳон журналистика фанида тадқиқотлар доираси, мавзулар қўлами шу қадар кенгайиб кетдики, уларни бир назарнигоҳ ташлаш билан тўласича қамраш қийин. Лекин шуни алоҳида таъкидламоқ зарурки, қайси мавзу-муаммо ҳақида изланиш олиб борилган бўлмасин, уларнинг бари моҳиятан журналистиканинг уч асосий ва ўзгармас пойдевори – ҳаққонийлик, ҳозиржавоблик ва холислик талабларига бориб тақалади, ана шу уч ҳақиқатни мустаҳкамлаш учун хизмат қилади.

Европа ва Америкада ОАВ фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари. Европа ва Америка мамлакатларнинг ОАВлари ўз амалий фаолиятида, гарчи маданий келиб чиқиши бир хил бўлса-да, икки хил бир-биридан кескин фарқ қилувчи йўналишга бўлинади: Европа қитъаси таракқиёт йўналиши; “Орол” йўналиши. Бунда “орол” йўналиши деганда Буюк Британия ва АҚШ мамлакатлари ОАВ фаолияти назарда тутилади. Мазкур йўналишларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши ўзининг тарихий илдизларига эга, бироқ бу икки йўналиш орасидаги аниқ фарқ(чегара)лар асосан XIX-XX асрларга келиб яққолроқ кўзга ташлана бошлади.

Албатта, Европа қитъаси ва Буюк Британия ОАВ турли сиёсий муҳит(макон)да шаклланган икки хил ҳуқуқий тизимда: қитъада роман-

¹⁶ Прохоров Е. П. Введение в теорию журналистики: Учебник для студентов вузов / Е. П. Прохоров — 8 е изд., испр. — М.: Аспект Пресс, 2011.

герман ҳуқуқий тизимида ва англо-саксон ҳуқуқлар тизими асосида ривожланди. Агар Европа қитъаси журналистикасида муаллиф нуқтаи назарини ифодаловчи “фикр”ни бериш (“Фикрлар матбуоти”) устун мавқе эгаллаган бўлса, “Орол” журналистикасида “далил” яъни мамлакат нашрлари томонидан ижтимоий аҳамиятли янгилик сифатида баҳоланиб тарқатилган маълумот тобора кўпроқ роль ўйнай бошлади.

Мазкур тафовут ҳеч қутилмаган натижаларга олиб келди. Айтайлик, Германия, Франция ёки Россияда матбуот ходимлари журналистик фаолиятнинг аудиторияга кўрсатажак таъсири устида кўпроқ бош қотиришди ва бу ўз навбатида жанрлар назарияси устида жиддий ишлаш талабини кўйди, диалог ва баҳсларни узатиш (ёритиш) усулларини юзага келтирди.

АҚШ ва Буюк Британияда тезкорлик факт (далил) ларга етишни, уларни ўз вақтида қўлга киритишни уддалаш асосий ўринни эгаллади. Пировардида ахборот материалларини ёзишнинг ўзига хос “тўнқарилган эҳром” усулини рўёбга чиқарди ва кўпчилик газеталарда репортёрлар номини аноним сақлаш одатини шакллантирди. Натижада бир журналистика умумадабий жараённинг таркибий қисми, муаллиф даврий нашрда фаолият юритган ва бадиий тўқима билан эмас, реал ҳаётий ҳодисалар ва фаолиятлар устида ишлайдиган соҳа бўлиб шаклланган бўлса, иккинчи журналистика – коммуникатор учун муҳим бўлган ахборотни ОАВ орқали тарқатиш мақсадида фойдаланиладиган коммуникация каналларидан бирига айланди¹⁷.

ОАВ ва оммавий коммуникациялар фуқаро ўз фикрини эркин баён қилишида, ҳурфикрликни, маданиятлараро мулоқотни, бағрикенгликни ва мамлакатни бошқаришда масъулиятни таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади. Уларнинг аҳамияти қуйидаги йўналишларда кўринади:

- оммавий ахборот коммуникациялари фуқароларнинг бир бирлари билан узлуксиз мулоқотларини амалга оширишга кўмак бериш;
- хабарлар, ғоялар ва ахборотни тарқатиш;
- жамиятнинг барча аъзоларини ахборотга эгалик қилишини таъминлаш, улар ўртасидаги тенгсизликни ҳамда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг уч сектори ўртасидаги тенгсизликни бартараф этиш;
- турли ижтимоий жараёнлар иштирокчилари ўртасида мулоқот ўрнатиш ва уларни демократия усуллари воситасида зиддиятларни бартараф этишга рағбатлантириш;
- фуқароларда мамлакат келажаги учун масъулият ва бирлашиш ҳиссини шакллантириш, жамият ўз-ўзини англаши учун турли имконият ва воситаларни тақдим этиш;
- маданий ўзлигини намоён қилиш ҳамда миллатлар ичида ва миллатлараро маданий муносабатларни ўрнатиш учун механизм тақлиф этиш;
- ижтимоий ҳаёт шаффофлигини таъминлаш ва давлат ҳокимияти органлари фаолиятини назорат қилиш учун, шунингдек, коррупция,

¹⁷ Прохоров Е. П. Введение в теорию журналистики: Учебник для студентов вузов / Е. П. Прохоров — 8 е изд., испр. — М.: Аспект Пресс, 2011.

лавозимни суистеъмол қилиш ҳолатларини жамоатчиликка ошкор қилиш мақсадида кузатувчи функциясини бажариш;

- демократлаштириш, модернизациялаш жараёнларини рағбатлантириш ва эркин сайловларни қўллаб –қувватлаш;

- турфа фикрлилик кадриятларини ҳурмат қилувчи ижтимоий ҳамкор функцияларини амалга ошириш;

Очиқ медиа- ва ахборот тизимлари жамиятни масъулиятли давлат бошқаруви ва ўз-ўзини бошқариш билан таъминлайди, шунингдек, демократиянинг асосий кадриятлари бўлган ошкоралик, масъулият ва фуқаролар фаоллигини таъминлашни кафолатлайди¹⁸.

Инсон ва жамият доимий равишда маълум бир ахборот муҳитида бўлади. Буни хаттоки “ахборотнинг йўқлиги ҳам, барибир ахборот” деган ибора тасдиқлайди. Ахборотдан маҳрум бўлиш, дезинформация ҳар қандай жараёни турғунлашувга, шахс ва жамиятни эса деградация ҳолатига олиб келади. Социологларнинг таъкидлашича, ахборот қанчалик кўп тўпланса, жамият шунча тез ривожланар экан. Ахборот ҳокимият демакдир. Ахборотга эгалик ҳолатга эгалик қилиш демакдир. Бу эса коммуникация йўли билан амалга оширилади.

3.2. ОАВ ва оммавий коммуникациянинг истиқболлари.

“Коммуникация” (*лот* “**коммуникатио**” - *умумийлаштираман, боғлайман*) термини ХХ аср бошидан буён илмий атама сифатида қўлланилиб келмоқда. Ҳозирги вақтда коммуникация - турли коммуникатив воситалар ёрдамида ҳар хил каналлар орқали шахслараро ва оммавий алоқа шароитларида ижтимоий шартланган ахборот узатиш ва қабул қилиш жараёни сифатида изоҳланади. “Оммавий коммуникация – жамоатчилик манфаатига бевосита алоқадор бўлган ахборотни оммавийлик мавқеи даражасида узатиш тушунилади”¹⁹, деб таъриф берилади илмий манбаларда. Нима учундир айнан оммавий коммуникация сўнгги ўн йиллар давомида янги аҳамият касб эта бошлади. Мазкур масала устида бош қотирган италиялик тадқиқотчилар П.Манчини ва Ф.Фаччолилар бунинг қуйидаги сабабларини кўрсатадилар. Биринчидан, жамият равнақи ижтимоий институтлар фаолияти кўламини кенгайтормоқда ва оммавий мулоқотга эҳтиёж ортмоқда. Иккинчидан, фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини билиши ва уни ҳимоя қилишга қаратилган кучли ҳаракатлар шаклланмоқда, яъни ижтимоий фаоллик кучаймоқда. Учинчидан, ОАВларнинг янги электрон турлари шаклланиб, кенг жамоатчиликни қамраб олиш ва уларни хабардор қилиш имкониятлари ортмоқда. Ва энг асосийси, ижтимоий муҳит барпо бўлиб, унда турфа манфаатлар ва қарашлар ўз аксини топмоқда, ижтимоий рақобат шаклланмоқда.

¹⁸ Маматова Я., Сулаймонова С. Ўзбекистон медиатаълим тараққиёти йўлида. (ўқув қўлланма) –Т.: «Extremum-press». 2015

¹⁹ Яковлев И. П. Современные теории массовых коммуникаций. - СПб.: Роза мира, 2004. С.24-25.СПб.: Петербургское Востоковедение, 2002. С.12.

П.Манчинининг эътирофига кўра, айнан “ижтимоий муҳит жамият турли тизимларининг жамоатчилик манфаати нуқтаи назаридан рақобатини шакллантириб, оммавий мулоқотнинг фаоллашувига туртки бўлади”. Дарҳақиқат, рақобат ва турфа фикрлар мавжуд шароитда тараққиёт ва ривожланишга замин яратилади. Демак ахборот алмашинувининг эркинлашуви, коммуникацион алоқанинг фаоллашуви жамият тараққиёти учун муҳим. Оммавий коммуникация демократик тамойиллар қарор топган жамиятдагина тўлиқ маъно касб этади.

Тадқиқотчилар ижтимоий коммуникациянинг 3 та моделини эътироф этадилар²⁰. Биринчиси, коммуникациянинг бир чизиқли модели (линейная модель коммуникации) – ахборотни бир томонлама йўналиши кўринишида бўлиб, қайта алоқа кўзда тутилмайди. Бу турдаги коммуникацион модель фақат буйруқ ва топшириқлар бериш, монологик нутқ, маъруза ўқиш шаклида бўлиб, сўнгги пайтларда бу модель камдан-кам ҳолларда қўлланилади. Матбуот анжуманларининг бош қисмида, ахборот бериш шакли кўринишида мавжуд.

Иккинчи модель – коммуникациянинг интерактив модели (интерактивная модель коммуникации). Бу моделда қайта алоқа назарда тутилади. Бу турдаги коммуникацион моделга интервью, суҳбатни мисол қилсак бўлади. Сўнгги пайтларда электрон оммавий ахборот воситаларида бу турдаги коммуникация модели етакчилик қилаётганини кузатиш мумкин. Ток-шоулар, тўғрима-тўғри эфир орқали томошабинлар билан телефон мулоқотнинг йўлга қўйилиши, жонли мулоқот ва бошқалар.

Учинчи модель – коммуникациянинг трансакцион модели (Трансакционная модель коммуникации). Мазкур модель интерактив моделдан нафақат иштирокчилар сони билан фарқланади, балки иштирокчилар роли билан ҳам. Ҳар бир томон навбатма-навбат ахборот манбаи ва қабул қилувчи сифатида қатнашадилар²¹. Бу турдаги коммуникацион моделга мунозаралар, баҳслар, давра суҳбатларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу модель иштирокчиларининг ҳар қайсиси тенг даражада ҳам ахборот олиш, уни муҳокама этиш, мувофиқ қарор қабул қилишдан манфаатдор. Бу борада интернетнинг аҳамияти катта.

Фуқаролик журналистикаси (*citizen journalism*) Медиаканаллар сонининг ўсишини, асосан Интернетга кенг йўл очиб берадиган, ахборот-коммуникацион технологияларининг шиддатли ривожланиши натижасида, охирги ўн йиллик ичида анъанавий журналистика асосларининг заифлашуви жараёни бошланди. “Economist” газетасининг таъкидлашича, оммавий ахборот воситалари даври тугаб, янги давр – персонал (шахсий) ва партиципатор ахборот воситалар даври бошланяпти.

Бу ўзгаришлар анъанавий журналистиканинг асосий принципларини бутунлай ўзгартирди. Эндиликда журналистика – бу, анъанавий

²⁰ Ўша манба. С.28.

²¹ Яковлев И. П. Современные теории массовых коммуникаций. - СПб.: Роза мира, 2004. С.24-25. СПб.: Петербургское Востоковедение, 2002. С.12.

журналистиканинг оддий онлайн варианты эмас, балки иккита асосий шаклда: блоглар – шахсий онлайн кундаликлари (*blogs*) ва «фуқаролар журналистикаси» (*citizen journalism*) мавжуд бўлган алоҳида туридир, бунда барча хоҳловчилар ўзи ишлаб чиқарган материалларини сайтга қўя оладилар. Бу ижодий ҳамкорликнинг янги турини, одатда муҳаррирлар ўз ишларида фойдаланадиган таксономиядан (яъни, юқоридан пастга дегани) фарқли ўлароқ, *фольксомия* деб атайдилар. Фуқаролар журналистикасида энди Уорхолнинг ҳар бир одам «15 дақиқа шуҳратга» ҳаққи бор, шаклидаги ибораси энди: «15 мегабайт шуҳратга» ҳаққи бор, деб жаранглайди.

Фуқаролик журналистикасининг асосий афзаллиги контентнинг «гипермуайянлигидир»: муаллифлар, ҳатто маҳаллий газеталар ўлчамлари бўйича ҳам кичик, айтайлик, мактаб мусобақаларининг воқеалари тўғрисидаги ахборотларни таклиф қиладилар. Мана нима учун барча хоҳловчиларнинг улушидан иборат бўлган, «Yahoo!» деб номланувчи ахборот бўлими, АҚШнинг барча туманларида маҳаллий янгиликларнинг етакчи маҳаллий газетадан кейин иккинчи ўринда турган провайдерлардан хисобланади.

Дарҳақиқат, газета саноати оғир замонларни бошдан кечирмоқда. Газеталарнинг адади 1990 йилдан бошлаб тушиб борапти. Кўпчилик ёшлар кундалик газеталарни умуман ўқимайдилар. Такдир тақозоси билан, сўниб бораётган газета саноати учун бу инқироз ўзининг молиявий устунликларига эга. Босма дастгоҳлар – газета нашриётчиларининг асосий маблағидир – улар янги маблағ талаб қилмай, ўн йиллаб ишлайди ва аста-секин эскиради. Газеталар ўз босма нашрларининг, газета саҳифалари каби энг атавистик (наслий) аломатларидан қутилиб борган сари, ҳам қоғозни, ҳам бўёқни тежайдилар. Шунинг учун нусхаларнинг камайиб кетганлиги тўғрисидаги тажовузкор маълумотларга қарамасдан, 2004 йилда Америкадаги 12 та энг йирик газеталарнинг ўртача даромади 21 %ни ташкил этди, бу кўрсаткич Fortune журнали рўйхатидаги 500 компаниянинг ўртача кўрсаткичидан деярли икки баравар ортиб кетди. Ахборот империяларининг эгалари медиаинқилобнинг афзалликларини аниқ англаб етадилар. Руперт Мердок шундай деб таъкидлади, «ахборот саноати ноўрин мағрурликни намойиш этмоқда... Газета сайтлари суҳбат тузадиган жойга айланмоғи лозим. Рақамли борлиқ аҳолиси муҳаррирга энди хат йўлламайди, улар Интернетга киради ва блоглар очади. Биз энди ушбу блогерларнинг манзилларига айланмоғимиз зарур». Шундан кейин тез орада Мердок ёшлар орасида ўта оммабоп ҳисобланган MySpace блог сайтини сотиб олди.

Фуқаролик журналистикаси нима? Мазкур соҳада фаолият юритаётганлар зиммасига ижтимоий масъулият юкланадими? Блогерлар ўз сўзи қудратини қай даражада ҳис этишмоқда? Америкалик назариётчилардан бири халқаро медиа муҳитдаги аҳволни қуйидагича баҳолаган эди: «XXI аср жаҳон журналистикаси тарихига мислсиз инқилоблар даври сифатида киради. Булардан бири фуқаролик журналистикасининг тараққий этиши. У кечаги аудиторияни бугунги журналистларга айлантирди». Дарҳақиқат, 1997 йил АҚШлик Жон Баргернинг интернетда «жонли кундалик» («Live journal»)

тутиши масс медиада янги тармоққа асос солиши мумкинлигини ўшанда ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаган эди. Бу усул қисқа муддатда бутун дунё бўйлаб тарқалиб кетди.

Блог юриштининг бу қадар оммалашуви нима билан боғлиқ? “Жим туролмаيمان” деган эди қачонлардир Толстой... Блог ана шундай “жим” қолмаслик, ўз фикрларини ифодалаш, ҳаётини кечинмалари билан ўртоқлашиш, кундалик турмушидан қизиқарли воқеалар гапириб беришни истаган минглаб одамлар учун том маънода очик минбарга айланди. Блогни бежиз “жонли кундалик” дейишмаган. Кўпчилик юритадиган шахсий кундаликлар каби блогларга муаллиф кўрган кечирганлари, таассуротлари, умуман, истаганини ёзади.

